



Вилоят ижтимаий-сиясий газетаси

Жанубий Қозғистон

TURKISTAN
janubiy.kz

1991 йил 5 апреддан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2021 йил 28 октябрь, пайшанба. №112 (3017).



ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

ҚОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
ҚАСИМ-ЖҮМАРТ ТҮҚАЕВ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВ БИЛАН ТЕЛЕФОН
ОРҚАЛИ МУЛОҚОТДА БҮЛДИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИГА - ОЛИЙ МУКОФОТ

ҚОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАСИМ-ЖҮМАРТ ТҮҚАЕВ ТУРКМАНИСТОННИНГ
«БИТАРАПЛИҚ» ОЛИЙ ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Қоғистон Президенти Қасим-Жүмарт Түқаевнинг Туркманистон Президенти билан учрашуви доирасида Давлат раҳбарлари транспорт-логистика, савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни муҳокама қилдилар.

Бу ҳақда Президентнинг матбуот хизмати ҳабар берди.

Хабарда айтилишича, Қоғистон ва Туркманистон президентлари икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини, миңтақавий ва халқаро даражадаги алоқаларни муҳокама қилдилар.

Учрашувда савдо-иктисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, аввал

эришилган келишувларнинг бажарилиш ҳолати кўриб чиқиди. Ижобий ўсиш суръатларини давом эттириш учун янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ишбильармонлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Қоғистон Президенти дунёдаги оғир вазиятга қарамай, Қоғистон ва Туркманистон ўртасидаги стратегик шериклик – дўстлик, яхши қўшничилик

изчили ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Музокарапардан сўнг икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот восита-лари вакиллари учун брифинг ўтказдилар. Тадбир ниҳоясида Қоғистон Республикаси Президентини «Битараплик» ордени билан тақдирлашга бағишиланган тантанали маросим ўтди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Президентга Олий мукофотни топшириди.

Akorda.kz.

Жорий йилнинг 22 октябрь ҳолатига кўра, Қоғистонда 15,8 млн. гектар ғаллазорлардан 16,1 миллион тоннадан зиёд ҳосил йигиб олинди. Ўртacha ҳосилдорлик гектаридан 10,2 центнерни ташкил этди ва қарийб 11,8 миллион тонна сара дон хирмонга етказиб берилиб, режа ортиғи билан бажарилди. Далаларда етиширилган ҳосилнинг 99,7 фоизи йигиб олинди, дея ҳабар беради Kazinform.

«Ўтган йилнинг кузида буғдойнинг серҳосил ва тезпишар навлари уруғини экиб, ўсимликни намуналар парваришилаган юртимиз ғаллакорлари мўл-ҳосил тўплагани айни галвир сувдан кўтарилаётган шу кечакундузда ойдинлашди.

1,6 миллион тонна ёғли экинлар, 3,8 миллион тонна картошка, 4,6 миллион тонна сабзавот, 2,6 мил-



лион тонна полиз экинлари йигиб олинди. Ҳосилни ўз вақтида йигиб олиш учун соҳа ишлаб чиқарувчиларига 396,5 минг тонна арzonлаштирилган дизель ёнилғиси ажратилди. Энергетика вазирилиги билан биргаликда нефтни қайта ишлаш заводларининг худудий операторларини тасдиқлаш жадвали ишлаб чиқиди. Шу туфайли ажратилган

ёнилғи хўжаликларга ўз вақтида етказиб берилди», дейилади ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирилиги тарқатган ҳабарда.

Қоғистонда ғалла омборининг умумий сифими 29,4 миллион тоннани ташкил этади.

Kazinform маълумотлари асосида.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Қоғистон делегацияси БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференциясида иштирок этади.
- Ўзбекистон Қоғистонга 483 минг тонна мева ва сабзавот экспорт қилган.
- Қоғистонда давлат бюджетига йирик тадбиркорлик субъектларидан 3 трлн. тенге маблаг тушди.
- Қоғистонлик шаҳматчилар онлайн тарзда ўтказилган Осиё чемпионатида иккита олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритди.
- Қоғистондаги энг яхши IT-стартаплар 10 минг доллар олади.
- Йил бошидан бўён 1 миллион қоғистонлик янги иш билан таъминланган.
- ҚР Бош вазири иш сизлигка қарши кураши юзасидан кўрсатмалар берди.
- Пекиндаги қиши Олимпия ўйинларининг коронавирусга қарши қоидалари эълон қилинди.
- Қоғистонлик гимнастикачилар Японияда ўтадиган Жаҳон чемпионатида иштирок этади.
- Қоғистонда юзни таниш технологиясини жорий этиш масаласи кўриб чиқилмоқда.
- ҚР Соғлини сақлаш вазири: Сўнгги 2 ой ичидаги коронавирусдан ўлим даражаси 4,8 бараварга камайди.

ТУРКИЙ ЭЛЛАРНИ ТЕРАН ТОМИРЛАР БИРЛАШТИРАДИ

ТУРКИЙ КЕНГАШ ВА ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИККИ
ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА КЕЛИШИШДИ



Туркестон туркий оламнинг маданий ва маънавий марказига айланмоқда. Бугунги кунда бу йўналишдаги ишлар янада кучайтирилди. Бу ҳақда Туркестон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеевнинг Туркий кенгаш бош котиби Бағдат Амреев билан учрашувида маълум қилинди. Б. Амреев Туркестонда рўй берадиган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо бериб, Туркий кенгаш доирасида қатор муҳим ташабbusларни амалга оширишга тайёрлигини маълум қилди.

– 2021йил 31 марта куни “Туркестон – туркий оламнинг маънавий пойтахти” мавзууда ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашида “Туркестон декларацияси” қабул қилинди. Хозирда Туркий кенгашга аъзо давлатлар ўртасида тадбиркорликни кўллаб-куватлаш юзасидан умумий сармоя жамғармасини яратиш борасида ишлар олиб борилмоқда, – деди Баҳо котиб.

Шунингдек, Туркестоннинг нафакат тарихий-маданий, балки иқтисодий аҳамиятини ошириш йўлида ҳам кенгаш доирасида ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини таъкидлади.

Ўмирзақ Шўкеев Туркестонда сармоя жамғармасининг расмий штаб-квартирасини очишин таклиф қилди. Шунингдек, Туркестонда эркин иқтисодий минақа очиш, Туркестонда туркий давлатлар тадбиркорлари анжуманини ўтказиш учун логистика масалаларини ҳал этишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

– Бизга Туркестонни туркий оламнинг марказига айлантириш топширилган. Шу билан бирга, мен қардош давлатлар учун муштарак бўлган ҳалқаро ташкилотлардан бирининг бош идораси Туркестонда бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Туркий кенгаш билан биргаликда биз йирик лойиҳаларни амалга оширишга тайёрмиз, – деди вилоят ҳокими.

Нур-Султан шаҳрида «Яшил идора» III республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтди. Танлов «Яшил иқтисодиётни кўллаб-куватлаш коалицияси» ва «G-Global» тараққиёти ҳамжамияти томонидан ўтказилди.

Ташабbus Қозогистон Республикаси Экология, геология ва табиий захиралар вазирлиги, Қозогистон атроф-муҳит ташкилотлари ҳамжамияти ва Нур-Султан шаҳридаги EXХТ дастурлари идораси шафелигида уюштирилди.

Танловнинг асосий мақсади – экология, «яшил» ва паст углеродли технологияларни тарғиб қилиш, биноларни экологик талабларга мувофиқлаштириши фаоллаштириш ва энг яхши

технологик ечимлардан фойдаланиш ҳамда экологияга масъул ташкилотларни оммалаштириш.

Танловда иштирок этиш учун аризалар жорий йилнинг 15 апрелидан 15 сентябригача 10 номинация бўйича қабул қилинди. Хусусан, таълим, соғлини сақлаш ташкилотлари, давлат органлари ва квази-давлат шўбаси, ҳалқаро ташкилотлар ва ваколатхоналар ҳамда бошқа муассасалар ўртасида танлов ўтказилди. Танловга 100дан зиёд аризалар тушди. Танлов комиссияси 30 нафар муносиб номзодни аниқлади.

Тақдирлаш маросимида Қозогистон Республикаси Экология, геология ва табиий захиралар

Туркестон вилоятида коронавирусга чалингандар сони 15 минг кишидан ошди. Сўнгги бир ҳафта мобайнида 190 кишининг хасталика чалингандиги аниқланди. Айни замонда минақада 400га яқин киши мазкур инфекциядан даволанмоқда. Вилоят ҳокимлигидаги ўтган девон инфекциясида Туркестон вилоятида санитария-эпидемиологик ахвол муҳокама қилинди.

Минтақадаги жами 1 миллиондан зиёд киши ПЗР тестдан ўтган. Бугунги кунга қадар инфекциявий ўринларнинг 37,2 фоизи банд, карантин ўринларининг 2,6 фоизида беморлар даволан-

Ў. ШЎКЕЕВ: ХОТИРЖАМЛИККА ҲАЛИ ЭРТА

моқда. Жонлантириш ўринлари 33 фоизга қисқарди. Туркестон вилояти КВИга чалингандик кўрсаткичи бўйича ҚРда яшил ҳудудда.

Кундаликда рўйхатга олинаётган беморларга кўра Туркестон вилояти республикада энг қуий ўринда. Вилоят ҳокими ў. Шўкеев шунга қарамай сақланиш чораларига риоя этиб, ҳушёргиликни кўлдан бой бермаслини чакирди. Айнича таълим муассасаларида каран-

тин талабларига риоя қилиш жоизлигини таъкидлади.

– Ҳушёрг бўлайлик. Ўзингизга яхши маълум, Россияда бу хасталик кун сайн үсиб боряпти. Чегаравий ҳудудлар орқали бизга ҳам етиб келиш эҳтимоли бор. Шу боис ҳолат тақрормаслиги учун тайёргарлик кўриш жоиз. Вирусга қарши кураш чораларига қатъий риоя этиш керак, – деди вилоят ҳокими.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БАҲОСИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ – ВИЛОЯТ ҲОКИМИ НАЗОРАТИДА

Вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев раислигидаги ўтган девон мажлисида ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсишининг олдини олиш ва барқарорлаштириш чора-тадбирлари ҳақида ахборот берилди. Сўнгги иккى ойда нарх динамикаси 0,5 фоизга пасайган. Ушбу муҳим масала вилоят раҳбарининг бевосита назоратида. Баҳони барқарорлаштириш мақсадида яқин кунларда барча бозорларда рейд, мониторинг тадбирлари кучайтирилади. Устама нархларни 10 фоиздан юқори оширмаслик юзасидан ва сотилаётган маҳсулотларнинг қонунийлигини текшириш ишлари юритилади.

Ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг асосисиз ўсиши олдини олиш мақсадида, йирик савдо марказлари ва савдо дўконлари, бозорлар билан вилоят миқёсида 1098та меморандум имзоланган.

Туркестон вилоят тадбиркорлик ва савдо бошқармаси раҳбари Н. Иманқуловнинг маълум қилишича, вилоят ҳокимлиги ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат баҳоларини барқарорлаштириш мақсадида жами 570 млн. тенге ажратилган. Жумладан, «Magnum Cash&Carry» МЧБ, «Али Сауда» МЧБ, «Fajahiyat-P» муассасаларига қарз берилган. Мазкур савдо марказлари маҳсулотларни бозор баҳосидан 10-15 фоиз арzon баҳода сотмоқда. Бугунги кунда барқарорлаштириш жамғармасида қиймати 573,7 млн. тенгелик 5865,2 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари (ун, гуруч, макарон, картошка, пиёз, сабзи, туз, кунгабоқар мойи) бор.

Шунингдек, тадбирда дечқонлар ўз маҳсулотларини даллоллар орқали сотишаётгани ҳам тилга олинди. Воситачаридорлар озиқ-овқат баҳосини сунъий равишда ошироқда. Шу муносабат

билан Туркестон шаҳрида юзага келган улгуржи-таратиш маркази – Эко-бозор баҳони барқарорлаштириш ва озиқ-овқат хавфислизигини таъминлашга имкон яратади. Янги савдо маркази – Туркестон вилоятининг озиқ-овқат хавфислизигини таъминлаш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулотларнинг баҳосини барқарорлаштиришнинг самарали дастагига айланди, улгуржи-сотов марказининг хизматини бажарди.

Туркестон шаҳрида 13та ижтимоий дўкон мавжуд. Август ойидан бошлаб вилоят марказининг бешта савдо шоҳбчасида ижтимоий бурчаклар ташкил этилиб, уларда ижтимоий аҳамиятга молик товарлар белгиланган нархда, бозордагидан паст баҳода сотилмоқда. Вилоят ҳокимлиги томонидан ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқатнинг чакана нархлари асосиз равишда оширилишининг олдини олиш мақсадида Туркестон шаҳар ва вилоят ҳокимлиги томонидан 45та фармойиш чиқарилиб, Зта тадбиркорлик субъекти жаримага тортилди. Ишлар давом этмоқда.

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ – ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ



вазирлиги ва Қозогистон Республикаси Парламенти Мажлиси вакиллари, Nur Otan партияси Атроф-муҳит кенгashi раиси Э. Абаканов ва бошқалар иштирок этишиди.

Вилоятимиз шарафини «Мечта Маркет» МЧБ (раҳбари М. Бекжанов) ҳимоя қилди. У бошлигидаги жамоа «Энг яхши бизнес-марказ» ва «Энг яхши савдо маркази» номинацияларида ғолиблини қўлга киритди.

Танлов ғолиблари диплом ва «Яшил идора» маҳсус белгилари билан тақдирланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ТУРКИСТОНДА АРАБЛАР ХОМИЙЛИГИДА ТУҒРУҚХОНА БУНЁД ЭТИЛАДИ



Туркистан шаҳрида Абу Дабининг валиаҳд шаҳзодаси шайх Мұхаммад бин Заид Ал Нахаян номидаги 80 ўринли туғруқхона қурилиши бошланди. БАА Баш вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири шайх Мансур бин Заид Ал Нахаян ва Туркистан вилояти ҳокими Үмирзак Шўкеев янги "Она ва бола маркази" пойдеворига капсулा қўйдилар.

"Биз соғлини сақлаш соҳасининг муҳим иншотларидан бири – Шайх Мансур бин Заид Ал Нахаяннинг Туркистан ахолиси учун саҳоватли ёрдами сифатида қад ростлайдиган туғруқхонага капсулा қўямиз. Лойиҳа Туркистан вилояти ҳокимлиги ва Абу Даби Тараққиёт жамғармаси ҳамкорлигига амалга оширилмоқда. Ушбу ташаббус БАА ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги тигиз тарихий алоқалар ва стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг рамзи, шунингдек,

Қозоғистон халқининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва Туркистан шаҳрининг инфратузилмасини ривожлантиришга қўшган ҳиссасидир", – дейилган капсулада.

Ушбу масканнинг қурилиши ўтган йилнинг декабрь ойида БААда ўтган Туркистан вилояти ҳокими Үмирзак Шўкеев ва шайх Мансур бин Заид Ал Нахаяннинг учрашувида имзоланган шартномалардан сўнг амалга оширилмоқда.

Абу Дабининг валиаҳд шаҳзодаси кўлловида қад ростлайдиган янги туғруқхонанинг қурилишини келгуси йили якунлаш режалаштирилмоқда. Иншоотнинг умумий майдони 8 минг кв. метр, ер майдони 33000 кв.метрни ташкил этади. Замонавий туғруқхона европа услубида қурилади.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

6 минг гектар ер дехқонларга берилди

Келес туманида ердан фойдаланиш қонунчилигини назорат қилиш ва бўш ерлардан унумли фойдаланиш ишлар жонланди. Кенг қамровли тадбирлар Жузимдик, Ўшақти, Ақтўбе, Бирлик ва Биртилек қишлоқ округлари ҳудудида юритилди.

Бугунги кунда улар Қўшқарата қишлоқ округи ҳудудида давом этмоқда. Инвентаризация жараёнинда қатор қишлоқларда ер участкалари бўш ётгани аниқланди. Хусусан, баъзи дехқонлар ердан ноқонуний бемалол фойдаланаётган экан. Пировардида бўш ерлардан самарали фойдаланиш юзасидан туман ҳокимлигига тавсиялар берилди.

Умуман, Келес туманида ердан максадли фойдаланиш масаласи назорат остида.

Натижада, қишлоқ ҳўжалиги мақсадларидаги 151та ер участкасини қайта айтнингма киритиш учун учта танлов ўтказилди. Улар натижасида 6 минг гектардан зиёд ер участкаси жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларга берилди. Уларда тадбиркорлар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириб, миңтақа иқтисодиётига ҳисса қўшади.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

Чет эл фуқаролари Қозоғистондаги ҳоҳлаган АҲҚМдан виза олишлари мумкин

– Бундан бўён чет эллик фуқаролар Қозоғистонда вақтинча яшаш учун рухсатнома ва визани мамлакатнинг ҳоҳлаган Аҳолига хизмат кўрсатиш марказидан олишлари мумкин. Йил охиригача ушбу хизмат тури барча АҲҚМларда мавжуд бўлади.

Бу ҳақда Қозоғистон ички ишлар вазири ўринбосари Сакен Сарсенов маълум қилди.

– Мамлакатимизга ҳар йили 1,5 миллионга яқин чет элликлар келади. Шу муносабат билан биз ўтган йилнинг 1 январидан миграция полициясида вақтинча рўйхатдан ўтиш талабини бекор қилдик. Бу мамлакатка сармоя жалб қилиш ва ички туризмни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди. Чет эллик мөхмонлар "е-Qonaq" мобиъл иловаси орқали миграция полициясига Қозоғистонга келгани ҳақида хабар беришлари мумкин, – деди ИИВ вазири.

Қозоғистонда автомобиллар учун сотиб олинадиган давлат рақамлари рўйхати кенгайтирилади

Бу ҳақда ҚР Рақамли ривожланиш, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазири Бағдат Мусин маълум қилди. Вазир автомашинани қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталди.

– Бу борада Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда талаб юкори рақамларни кўпайтириш юзасидан тадбирлар амалга оширилди. Бу ўйналишдаги қадамларни қонунийлаштириш көрар эди. Шу боис, депутатларнинг тегишли кўллаб-қувватлашига муҳтожмиз, чунки мамлакатда турли хил давлат рақамларига талаб катта. Хусусан, бюджетга ўтказиладиган ва сотиб олинадиган рақамлар (777) мавжуд. Бироқ, тартибга солиш чораларига тааллуқли эмас давлат рақамлари ҳам бор ва биз уларни сотиб олишни қонунийлаштироқчимиз, – деди вазир.

ДАРЁЛАР ҮЗАНИНИ ЙЎҚОТМАСИН ДЕСАК

НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТЛАРГА ҚАРШИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

2021 йилнинг 9 ойи давомида Туркистан вилоятида ўтказилган инвентаризация жараёнида 45,5 минг фойдаланилмаётган қишлоқ ҳўжалиги ерлари аниқланди. Ердан самарали фойдаланиш ҳамда тош конларидан ноқонуний тош, кум олишни тўхтатиш масаласи Туркистан вилояти ҳокимлигининг девон мажлисида мұхокама қилинди. Минтақа раҳбари Үмирзак Шўкеев муаммони кўтариб, ер қаъридан фойдаланишда қонун талабларига қатъий амал қилиш зарурлигини тъкидлади.



Туркистан вилояти ер инспекцияси бошқармасининг раҳбари Қанат Милтиқбековнинг айтишича, миңтақада 69 нафар ер соҳиби 17,9 минг гектар ер участкаларини ўз хоҳиши билан давлат тасарруфига қайтарган. 94 нафар ер эгаси 18,8 минг га ерни қайта ўзлаштиришга киришди. Ҳозир Арис шаҳри ва Жетисай тумани ҳокимлеклари томонидан 8,8 минг гектар ерни давлат тасарруфига қайtarish тадбирлари юритилмоқда. Мақсадли фойдаланилмаётган ер участкалари текширилиб, қишлоқ ҳўжалиги мақсадидаги ҳудудларга қурилиши юритган 874,5 га ер аниқланди. Ана шу ер участкаларининг 39 нафар соҳибига 364,9 минг тенге жарима солинади.

Вилоядага қишлоқ ҳўжалиги мақсадидаги ерларни ноқонуний эгаллаб олганлар ҳам рўйхатга олиниди. Майдони 139,9 га ернинг соҳибларига 431,5 минг тенге жарима солинди. Ушбу ер участкаларининг 39 нафар соҳибига 364,9 минг тенге жарима солинди. Вилоят ҳудудида яйлов, экинзорлар ҳудуди чегарасини ноқонуний иҳоталаб олган 216 киши аниқланди. Иҳоталаб олинган ер участкаларининг майдони – 57,1 минг га, Арисда 54та ер, Сариоғочда 88, Байдибекда 17, Келесда 20, Ўтрорда бта ер участкаси ва бошқа туман, шаҳарларда шундай маъ-

риш юзасидан судга аризалар берилиб, учтаси қаноатлантирилди.

Келес ўзани бўйида ер қаъридан ноқонуний фойдаланаётган 4та драглайн техникаси аниқланниб, жарима бекатига етказилди.

Шунингдек, Сайрам тумани ҳудудида ер қонунчилигини бузиб, шлакоблок ишлаб чиқараётган 23та ер участкаси аниқланниб, маъмурӣ жарима солинди. Ушбу маълумотларга тўхталган бошқарма раҳбари ер қаъридан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ишлари ўз даражасида олиб борилмаган бир неча туман, шаҳар ҳокими ва ер соҳасига масъул ўринбосарларнинг интизомий жавобгарлигини кўриб чиқиши таклиф қилди. Вилоят ҳокими Үмирзак Шўкеев минтақадаги ўзанлар ва ихоталанган ҳудудларда мониторинг ишлари давом эттирилиб, ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек кўйилиши ва дарё ўзанларида шағал ва қумни ноқонуний ташиб олишига қарши кураш кучайтирилиши маълум қилди. Шунингдек, ер муносабатлари соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга топшириклар берди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

Қозоғистонда сентябрь ойида автотранспортни онлайн рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ 160 мингдан ортиқ транзакциялар қайд этилди

ҚР Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазири Бағдат Мусин автотранспорт воситаларини электрон рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказишнинг самарадорлигини тъкидлади.

– Мамлакатда оммабоп дастурлар ва хизматлар орқали хизмат кўрсатиш юзасидан ишлар олиб борилди. Чунончи, Kaspi.kz, Homebank иловаси орқали автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, бу эса ўз навбатида жараённи қулайлаштириш ва автоматлаштириш, фуқароларнинг вақт ва маблагларини тежаша сезиларли турткни бўлди. Бундай ҳолда, харидорга ҳам, сотовчига ҳам мурожаат қилиш учун мижозларга хизмат кўрсатиш марказига боришнинг ҳожати йўқ. Бу қадамлар, айниқса, карантин чоралари пайтида мухим аҳамиятга эга, – деди вазир.

Казинформ маълумотлари асосида.

● Халқаро мусобақа ғолиби –

ОЙБЕККА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

Түркестон шаҳридаги "Спорт аренасы" ўйингоҳида ўтган "Алаш прайд – Түркестон" халқаро беллашувидаги қозоғистонлик спортчилар Туркия, Ўзбекистон, Қирғизистон мамлакатлари спортчилари билан беллашдилар.

Жами 24 нафар саралаб олинган спортчилар иштирок этган ушбу халқаро беллашуда түркестонлик спорт устаси, машҳур боксчи Ойбек Эрмитов ўзбекистонлик рақибини иккинчи раундда мутлақ техник маглубиятга учратиб, ғолиб бўлди. Таъкидлаш жоиз, 27 ёшдаги 98 кг. вазндан Ойбек Ўринбосар ўғли учун 38 ёшдаги 130 кг. вазндан кучли рақибини енгиш осон кечмади. Махорат, чақонлик, ғалабага бўлган ишонч, ҳамда табаррук Түркестон тупроғи Ойбекка мадад бериб, унга омад кулиб боқди. Мураббийлари Азамат Садуақасов ҳамда Серик Жўлдасов-



ларнинг, қолаверса, ўйингоҳга келган 2000дан зиёд томошибинларнинг, барча муҳлислирининг ишончини шараф билан оқлади.

Ойбек айни пайтда вилоят ишлар бошқармасига қарашли тезкор ҳарқатланувчи маҳсус отряд (СОБР)да самарали хизмат қилимоди. Мазкур хушхабардан бизни хабардор этган доимий жамоатчи муштариимиз, таникли тадбиркор Шерхон Абилов билан бирга Ойбекнинг хонадонида мулоқотда бўлдик. Хонадон тўрида Ойбекнинг бокс бўйича турли даражадаги мусобақаларда эришган медаллари, кубоклари жамланган. Ёш бўлсада, кўп ютуқларга эришган матонатли спорт устаси

Ойбекни падари бузруквори Ўринбосар Эрмитов, ашаддий кўпловчилари ва муҳлислири Шерхон Абилов, Мирзаҳмад Воҳидовлар табриклашди (тасвирда).

– Ойбек Түркестоннинг, барчамизнинг фахримиз – ифтихоримиз. Спорт, соғлом турмуш тарзи, тараққиётни тарғиб этаётган бу йигитни барчамиз ҳар томонлама кўллаб-куватласак, мадад бўлсак, унинг янги зафарларига пойдевор яратган бўламиз. Спорта элизимизнинг довругини юксалтирган Ойбекка янги зафарлар тилаймиз. Мен имкон қадар қўлимдан келганча Ойбекка шарафли ишида ёрдам бериб келаяпман, – деди Шерхон Абилов.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвирлари.



ЁШЛАРНИ КУТМОҚДА, ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ

Севимли газетамизнинг бош муҳаррири Алишер Сотволдиевнинг муҳтарам Президентимиз Қасим-Жўматр Тўқаев олдига қўйган долзарб масаладан мамнун бўлдим. Унинг маъruzасини диққат билан тингладим.

Дарҳақиат, Қозоғистон Республикаси – умумий Ватанимиз. Сарҳади катта, лекин аҳолиси кам. Шимолий худудлар эса умуман бўш қолмоқда. Она юртимизнинг равнаси учун ана шу жойларни ўзлаштириш – долзарб масала.

Жанубда, аҳоли зич яшайди, ер заҳиралари деярли йўқ. Боз устига, серфарздан оиласлар кўп. Шундан ер, уй-жой муаммолари келиб чиқади. Бир уйда, тор жода 3-4 ўғилнинг оиласи тиқилинчда яшагандан кўра, кенг жойларда, бемалол умргузаронлик қилганга нима етсин...

Агар давлатимиз барча имтиёз, шарт-шароитларни яратиб кўйса, ёшларнинг шимолга кўчиб, янги муҳитда омадларини синааб кўриши тарафдориман. Биз, кексалар, энди у ёқларга бора олмаймиз, албатта. Лекин келаజак эгалари, ёшларнинг борса, ҳеч зарари йўқ. Ахир, Америка, Кореяга ҳам иш излаб кетишияпти-ку. У ёқларда оила, бола-чақа қилиб, қолиб ҳам кетишияпти. Ундан кўра, ўзимизда, Қозоғистонда ишлаб, кенг имкониятлардан фойдаланишса, ёмонми?!

Ҳукумат фоизсиз насия ва кенг ер участкаларини берса, бошпанали бўлишга ёрдамлашса, бу фурсатни қўлдан бой бермаслик керак, деб хисоблайман. Кейин ўзбек ёшларимиз бориб, ўзбек хонадонлари сонини кўпайтиrsa, ўзбек тилида ўқита-



диган мактаблар очилишига эришса, нимаси ёмон... Ҳадеб, Шимкент, Сайрам ерларида эмас, шимолда ҳам миллатдошларимиз яшаса, яхши эмасми?

Менимча, бу йўналишдаги ишларни давом эттиришимиз, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз керак. Ёшларимизни доим АҚШ, Кореяга юборавермасдан, Қозоғистон шимолига юборайлик. Ўзимизда қолиб, қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачиликни ривожлантиришсин. Ахир, бу ишлар билан ўзбекистондан келган муҳожирлар ҳам шуғуланиб, салмоқли даромад топишяпти, оиласларини боқишияпти.

Шимолнинг об-ҳавосига ҳам ўрганиш мумкин. Муҳими, ўз она юртимизда, Ватанимизда ризқ терганга нима етсин?

Орифжон ХОЛНАЗАРОВ,
Шимкент шаҳри,
Ал-Форобий туман
оқсоқоллар кенгаши раиси.

P.S. Орифжон ака газетамизнинг 30 йиллигига 30та газета обуна қилди, тўйимизга тўёна берди. Бундай отахонларимиз ҳамиша омон бўлишишин!



СТАТИСТИКА – ЖАМИЯТ ОЙНАСИ

Маълумки, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг қизғин палла – аҳолини рўйхатга олиш жараёни авжиди. Янгиликлар ва соҳага оид сўнгги маълумотлардан боҳбар бўлиш учун ҚР Стратегиявий режалаштириш ва ислоҳотлар агентлигининг Миллий статистика бюроуси Түркестон вилоят департаментининг Статистик ахборотдан фойдаланувчиilar билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси, матбуот котибаси Баян Қалхўжақизи Ашимовани суҳбатга чорлаймиз.

– Маълумки, Қозоғистонда навбатдаги аҳолини рўйхатга олиш жараёни 2021 йилнинг 1 сентябринда бошланиб, 30 октябргача давом этади. 15 октября бош мутахассиси, матбуот котибаси Баян Қалхўжақизи Ашимовани суҳбатга чорлаймиз...

– Халқ саноғининг ўзига хос жиҳати, янгилиги – аҳоли унда онлайн иштирок этди. Кимда ким онлайн иштирок этишига ултурмаган бўлса, уларнинг уйларига борган мусоҳабачилар электрон планшетлар ёрдамида саволларга жавоб олишишоқда. Айнан мана шу ҳолат ушбу жараёнда иштирок этадиган

ходимларнинг меҳнатини енгилаштириди. Давлат харажатлари ҳам камайди. Жумладан, маълумотлар сифатига таъсир қилишда инсон омилини камайтириш, фуқаролардан идентификация рақами ёрдамида, саноқ маълумотларини аниқроқ олиш, қозоғ ва башка во-ситалардан имкон қадар камроқ фойдаланиш имконини туғидриди.

– Жараёнда иштирок этаётган ижтимоий тармоқ заҳиралари ҳақида қисқача маълумот бер-

сангиз...

– Аҳолини рўйхатга олишда Sanaq.gov.kz, egov.kz, Aitu мобиль иловаси, Call-орталық (1446) каби тармоқлардан фойдаланимиз. Бундан ташқари, барча маълумотларни қўмитамизнинг ижтимоий тармоқлардаги (YouTube, Facebook, Instagram, Telegram) сайтиларидан олишингиз мумкин.

– Түркестон вилоятида ушбу жараён қандай амалга ошимоқда?

– Вилоятимизда аҳолини рўй-

хатга олиш жараёнига пухта тайёр гарлик кўрилди. Лекин статистика – жамият ойнаси деганларидек, рақамлар барча ишни ойдинлаштиради. Онлайн маълумотларни кундалиқда олиб, мониторинг қилмоқдамиз. Энг сўнгги ахборотлар сифатида маҳсус жадвални кўриб чиқишини тавсия этаман.

– Раҳмат.

Н. МАВЛОНОВА.

	1	2	Онлайн рўйхатдан ўтган респондентлар сони				
			Аҳоли сони	аниқ	% қамраш	режа	% қамраш
3	4	5	6	7			
1	Түркестон вилояти	6100	2601562	940059	45,60	824624	114,00
2	Түркестон шаҳри	6110	186496	98214	52,66	74598	131,66
3	Арис шаҳри	6116	77260	54211	70,17	30904	175,42
4	Кентов шаҳри	6120	102695	23666	23,04	41078	57,61
5	Байдибек тумани	6136	54412	29064	53,41	21765	133,54
6	Жетисай тумани	6138	174904	76688	43,85	69962	109,61
7	Келес тумани	6139	144428	58774	40,69	57771	101,74
8	Казигурт тумани	6140	109103	68559	62,84	43641	157,10
9	Мактапал тумани	6144	134588	69556	51,68	53835	129,20
10	Ўрдабоши тумани	6146	122276	55791	45,63	48910	114,07
11	Ўттор тумани	6148	54389	28788	52,93	21756	132,32
12	Сайрам тумани	6152	221540	79673	35,96	88616	89,91
13	Сариоғоч тумани	6154	195287	77594	39,73	78115	99,33
14	Саврон тумани	6155	106849	49870	46,67	42740	116,68
15	Сўзоқ тумани	6156	63299	30484	48,16	25320	120,40
16	Тўлебий тумани	6158	121128	52549	43,38	48451	108,46
17	Чордара тумани	6160	113346	47005	41,47	45338	103,68
		6164	79562	39573	49,74	31825	124,35

Жонкуяр ва ташаббускор инсон

“Жанубий Қозоғистон” ўзбек-забон газетасининг жорий йил 28 сентябриданги сонида чоп этилган “Синфхонага Фахридин Қаратоев номи берилди” сарлавҳали мақолани ўқиб, жуда мамнун бўлдим.

Қорабулок қишлоғи фарзанди Фахридин нафақат ўз жонажон қишлоғидан, балки туманимизда, ҳамто республикамизда кўпчиликка яхши таниш. У ўзининг фаолияти даврида Қорабулок қишлоғининг ҳокими, Сайрам туманинг ҳокимининг ўринbosari, ишларни амалга оширганлигининг гувоҳи бўлди. Пировардида Фахридин Қаратоев Қозоғистон Республикаси Парламент Мажлисининг депутатлигига муносиб деб топилиб, янги лавозимга сайланди. Ҳозирги кунда ҳам у ўша юксак лавозимда обрў билан ўз фаолиятини муносиб бажармоқда. Ўйлайманки, Фахридин Қаратоевнинг ибратли ҳаёт ўйли, серкірра фаолияти ёш авлодни ватнага муҳаббат, ҳалқпарварлик руҳида тарбиялашда намуна бўлади. Фикримни, мана шу эзгу ташаббуси амалга оширган 94-сонли мактабнинг муаллимлар жамоаси ва маъмурятининг фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ эканлигини таъкидлаш жоиз.

Келажакда бундай ташаббуслар туманимизда кенг ўрин олса, мақсадга мувофиқ иш бўлар эди.

Мұхаммаджон ИРИСМЕТОВ,
Сайрам туманинг Семей ядро
синовлари полигони фархийлари
бирлашмаси раиси.

МИЛЛИЙ ЛИБОС – ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Жорий йил давлат ва жамоат арбоби, тарихчи, этнограф Ўзбекали Жанибеков таваллудидаги 90 йил тўлди.



Ушбу шонли санага багишлаб Туркистон шаҳридаги “Farab” вилоят илмий-оммабоп кутубхонасида давра сұхбати ўютирилди.

Тадбирда юртимизда таниқли этнограф, олим, тарих фанлари номзоди Алимғази Даулетхан, журналист, филология фанлари номзоди, профессор Бекжигит Сердали, профессор Ҳазрат Турсин, Туркистон вилоят маданият бошқармасининг раҳбари Азимхан Қўйлибаев, ўзбекалишунос Берик Байбулов, “Фараф” кутубхонасининг директори Жанат Садирбек қизи ва Ў. Жанибекнинг жияни Айғаним Серим ҳамда эвараси Азел Жанибек иштирок этишиди.

Тадбирни Туркистон вилоят маданият бошқармасининг раҳбари Азимхан Серикли очди. Сұхбатни тарихчи, профессор Хазирет Турсин олиб борди.

Тадбирнинг иккинчи куни “Тойқозон” миллий либослар танловига улланиб кетди. Иккى кун давом этган танловда бош сориини А. Напбутанова эгаллади, 1-даражали диплом – Алтинай Умираевага, 2-даражали диплом Тимур Руш, 3 даражали дипломла М. Бекманова, М. Еринбетов, А. Ермухановларга насиб этди.

Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

Вилоядта 97 минг нафарга яқин ногирон истиқомат қиласди. Унинг 39 минги, яъни 40,3 фоизида ижтимоий иншоотларга мустақил равишда кириб-чиқишини таъминлаш учун чоратадбирлар кўриш зарур. 2021 йилда вилоят бўйича 259та иншоот ногиронларга кириб-чиқиши учун мослаштирилди. Биноларнинг 34таси хусусий, 225таси давлат тасарруфидаги. Бугунги кунда 160та иншоот ёки 62 фоизида ногиронларнинг эркин кириб-чиқиши учун шароитлар яратилган.

Муносиб инсон

Меҳнатсевар ҳалқи учун жонини фидо қилишига тайёр ҳамюртимиз Фахридин Қаратоевнинг элга бағишилаған хизматлари кўп.

Туманда Nur Otan партияси раҳбари ўринbosari бўлиб ишлаган пайтларида кам таъминланган оиласарга, имконияти чекланган инсонлар, етим-есирларга ёрдам кўпини чўзиб, уларнинг мурожаатларини эътиборсиз қолдирмас эди. Кўпинча ОАВ, ижтимоий тармоқларда унинг кексалар, ногиронлар, кам таъминланганларга ёрдам кўрсатамётгани, уларнинг муаммоларини юқори минбардан туриб эълон қилаётганига гувоҳ бўлиб, тураман ва кўксим ғурурдан тогдек кўтарилади. Ва шу кунларимизга шукроналар ўқийман.



Ҳамюртларига қувонч сийлади

II-гуруҳ ногирониман, турмуш ўртогум Марат Тўқсонбоев эса III гуруҳ ногирони, уч фарзандимиз бор. Ногиронлиги бор, жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг тақдиридан хабарингиз бор, рўзгоридаги, бошпанасида камчилликлар бундай оиласарга одатий ҳол. 2010 йиллар ҳокимлик томонидан кам таъминланганларга ажратиладиган бошпана юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириша анча қийинчилкларга дуч келгандик.

Бошпана ололмай, умидсизликка тушиб қолганимизда Nur Otan партиясида ишлаб юрган Фахридин акा Қаратоев қабулига кирдим. Муаммони тушунтиридим. У киши мени очиқ юз билан қабул қиласди. Унинг самимий кўмаги билан ниҳоят, бизларга ажратиладиган бошпанага эришдик. Унинг хайриҳоҳлиги, савобталаблиги, умуман, инсонпарварлиги мени лол қолдирди. Фахридин аканинг саъй-ҳаракати оиласизга шодлик, қувонч сийлади.

Куни кеча Сайрам туманининг Оқсувкент қишлоғидаги 94-сонли мактабда ҚР Парламент Мажлиси депу-

тати Фахридин Қаратоев номидаги синфхона очилди. Мазкур синфхона замонавий русумда жиҳозланган, болаларнинг билим олиши ва бу ўйлда рақобатбардош бўлишига хизмат қиласди. Келажакни ўйлаб амалга оширилган ҳар қандай савоб иш, вақт ўтиб, албатта, ўз мевасини бериши аниқ. Халқи, ҳамюртлари учун савоб ишларни амалга ошираётган ҳалқ ноиби, Парламент Мажлисидаги вакилимиз Фахридин акага бундай ишларида миннатдорчилек билдириб, яна узоқ ўйлар эл корига камарбаста бўлиб яшашларига тилакдошман.

Марғуба СОТИМОВА.
Сайрам тумани, Қорасув қишлоғи.

ОЛТИНДАН ҚИММАТ МУРУВВАТ

ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ЁЛҒИЗ ОНАГА БОШПАНА ҲАДЯ ҚИЛДИ

Тулкибош туманининг имомлари ва кўнгиллилари ташкил этган “Дан-Ек” жамгармаси ёлғиз бошпана ҳадя қиласди.

Айдингул Дауленова бошпанасиз юрганига 11 йил бўлганди. Бугунги кунга қадар квартирада ижарада турган аёл уйли бўлиш учун бир неча бор ҳаракат қилиб кўрганини айтди. Бироқ, топган даромади озиқ-овқат ва кийим-кечақдан ортилмаган.

– Ўзим жисмоний меҳнат билан бандман. Картоска, помидор тераман. Кунига 1,5 минг тенге топаман. Шундай таҳлилда йилларни ўтказдим. Совуқ, изғиринларда уйни иситолмаган кунларимиз ҳам бўлди. Иккى ўғил ва бир қизим бор. Бугунги



қувончим чексиз. Шундай хайрли иш қилиб, ёрдам берган мурувватли инсонлардан беҳад миннатдорман, – деди А. Дауленова.

Таъкидлаш жоизки, Тулкибош туманида 1200 кўп



НОГИРОНЛАРГА ФАҚАТ НИШАБ ЙЎЛАК КЕРАКМИ?

Бу ҳақда Туркистон вилоят бандликни мувофиқлашириш ва ижтимоий дастурлар бошқармаси раҳбарининг ўринbosari Мадина Есимова маълум қиласди.

Департамент раҳбарининг асосан ташкилотлар ногиронларга ғамхўрлик қилишни фақат ногиронлик аравачалари кириб-чиқиши учун нишаб йўлаклар ўрнатишдан иборат, деб билишида экан.

Ваҳоланки, улар маҳсус белгилар, автотурагоҳлар, маҳсус йўлакчалар, Брайль ҳарфи битилган ёзувлар, 2 қаватли биноларнинг 1-каватида ногиронларни қабул қиласиган маҳсус хоналар ва ҳожатхоналар бўлиши кераклигини “унутишган”.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



Касаллик йұналишларини үз вакытда ва тұғри аниқлаш тиббіт ходимининг билим ва малакасига, унинг илғор фан ва даволаш усулларидан доимий хабардар бўлиб боришига боғлиқ. Шу үрінде фаолиятим давомида кўрган баъзи хуносаларимни ўртоқлашмоқчиман.

Невроз, психопатия, психоз каби рухий дунёси шикастланган беморларни даволаш шифокор учун оғир муаммолардан ҳисобланади. Ҳаёт нуқул ғалабадан иборат эмас. Маглубият алами инсон рухиятида салбий из қолдиради. Қачонлардир инсон рухиятини зўриқтирган шароит ёки виждонини жароҳатлаган "ўқлар"ни топиш осон иш эмас ахир. Оңг остида онгизлиқда ётган ўша "ўқ" қолдиклари рухий жароҳатлар (хотира касаллиги) ни пайдо қилиши мумкин. Касалликни эркинлиги тушовланган, букилган ҳаёт дейдилар. Беморга рухий сокин шароит яратиб берган шифокоргина унга ёрдам бера олади. Беморларни даволаш учун шифокор психолог-рухшунос бўлиши лозим. Унинг меҳрибонликка тўла сўзи ва эътибори касаллик қиличидан ўткирроқ ва устун бўлиши керак. Шифокор bemor билан эркин, самимий муомала қилиши ва унинг ишончини қозониши катта аҳамиятга эга. Буюк аллома, тиб илмининг сultonи Абу Али ибн Сино bemorларни мусиқа, ёқимли қўшиқлар ва жозибали рақслар ёрдамида даволаган.

Инсон хислатлари унинг хукмдори ва шулар ёрдамида бемор табиатининг биз идрок қўлмаган янги сирли эшикларини очиб, унга ёрдам беришимиз даркор. Инсоннинг "меники" туйғуси "бизники" туйғусидан 20 марта кучлироқдир.

Инсоннинг онгизлиқ фаолияти ҳар турли жараёнлардан – уйқу, туш кўриш, ҳар хил галлюцинациялар, инстинктлар, иход, сезги ва бошқалардан иборат. Буларнинг баъзилари фаол, бошқалари суст ёки пинхонийдир. Австриялик врач ва руҳшунос Зигмунд Фрейднинг фикрича, иход ва кучли сезги фаол онгизлиқдир. Билиш жараённанда онглилик билан бирга онгизлиқ ҳам иштирок этади. Шундай мисол келтиради. 27 яшар А.Игнатьевни Парижда чўян панжарали ҳовлиси бор уй илгари бир неча марта кўргандай ҳайратга солади ва таниш туюлади. Россияга, уйига қайтгач, онасига айтса, у илк болалигига ота-онаси билан Францияга сафар қўлганда шу уйда яшаган экан. Ушу сафарни унутган, бироқ кўрган уйнинг изи миясида сақланиб қолган.

Айтишларича, буюк олим Д.Менделеев кимёвий моддалар даврий жадвалини, Ўзбекистон риёзийт мактаби асосчиси ва ривожлантирувларидан бири академик Т. Жўраев ҳам бир неча математик масалаларини тушида кашф этган. А. Пушкиннинг айрим шеърлари тушида туғилган. Бундай мисоллар бисёр. Демак, ижоднинг келиб чиқиши (генезиси) онгнинг маҳсулоти бўлса-да, онгизлиқ пайтида тўсатдан рўй беришини кўрсатади.

Ўзбошимчалик қилишга йўл бермайди. Агар мия пўстлоғи бу вазифасидан жудо бўлса, инсон вужудида тўнтириш юз беради, шахс сифатида инқирозга учрайди. Еб тўймайдиган, турли майларни авж олган, қаҳр-ғазабини боса олмайдиган кимсага айланади.

Шифокорлар bemornинг касаллик ташхисини аниқлашда сезги ва инстинкт деган нарса борми-йўқми, деб кўп баҳшашадилар. Баъзилар инстинкт ва инти-



Шеърият мулкининг сultonи Алишер Навоийда "Инсонн сўз айлади жудо ҳайвондин, билки гуҳари шариғроқ йўқ ондин" ёки "Олдига келганни емок ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демоқ нодоннинг иши" сатрлари бор. Руҳшунослик илмидан маълумки, ихтиёрий фаолиятимизни идора этувчи мия пўстлоғи ичидан инстинктив, яъни ғайрихтиёрий фаолиятлар марказлари ҳам бор. Улар айнан ҳайвонларнига ўхшаб кетади. Оралиқ мияга Мансуб таламус ва гипоталамус соглом одамларда мия пўстлоғи томонидан назоратланади, тергаб туриласди,

ция тўғма деб ҳисоблайдилар. Диагностика (ташхис) асосини анализ ва синтез ташкил этади. Инстинкт фаолияти асосини шартсиз рефлекслар тизими бўлган хулк-атвоннинг тўғма шакли ташкил қиласди. Инстинкт билан интуиция ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Интуицияни илоҳий қобилият ва амалиётдан ажralган, мантиқа тўғри келмайдиган билиш шакли, деб қараш илмий томондан нотўғридир. Тажрибали, билимдан врач айрим вақтларда тўғри ташхисга бамисоли тўсатдан дуч келгандай бўлади. Бундай фикрлар жараёни сезги деб қабул қилин-

Д. КАМОЛОВА

АСҚАД МУХТОР ҲИҚМАТЛАРИ

Ёзуечи ёлғонни тўқиий-ди-ю, ҳақиқатни ёзади.

Шамол шамни ўчиради. Шунга ўхшаб, айрилиқ ҳам шунчаки хушторлиқни совитиши мумкин, чин муҳаббатни ўт олдиради.

Ҳақиқат – Ҳудодир: уни ҳамма билади-ю, ўзини ҳеч ким кўрмаган.

Шоир бўлиши яхши, шоирлик даъво қилиши ёмон.

Даҳолар ўз қасблари доисидан чиқиб кетадилар. Фалончи – шоир, фалончи – олим, аммо Навоий – Навоийдир, Эйнштейн – Эйнштейн.

Қалам сўзининг соясини чизади.

Китоб – бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.

ҲАМКАСБИМИЗНИНГ НУРЛИ ХОТИРАСИ


Ажойиб ҳамкасбимиз, тажрибали устоз, ибратли оила сохибаси бўлган Раъно Сиздиқова (тасвирда) оламдан ўтди. Аллоҳ марҳумани ўз раҳматига олган бўлсин!

Раъно Эргаш қизи 1958 йили 5 майда Ўрнанғай қишлоғида туғилган. Ўрта мактабдан сўнг И. Алтинсарин номидаги педагогика билим юртини аълого таомилаб, меҳнат фаолиятини Қучота қишлоғидаги мактабда бошлади. 1980-2016 йилларда, Чоға қишлоғидаги В. Воҳидов номли мактабда бошланғич синф ўқитувчи сиғатида самарали меҳнат қилди. Бошланғич синф ўқувчилари услубият бирлашмаси раҳбари сиғатидаги меҳнатлари муносиб баҳоланганди.

Умр йўлдоши Нураги ака билан фарзандлари Забар, Илҳом, Дононларни тарбиялаб, 11 нафар шириншакар неваралар кўрган пири бадавлат оила сохибаси эди. Раъно Эргаш қизининг нурли хотираси уни билган ва ҳурмат қилган барча ҳамқишлоқлари, ҳамкаслари, тарбиялаган шогирдлари хотирасида мангу яшайди. Марҳуманинг оиласига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиласди.

Чоға қишлоғидаги В. Воҳидов номли мактаб жамоаси.

Саврон тумани.



Қарноқ қишлоғидаги таникли тадбиркор Валихон Мамадраим ўғли Асоев (тасвирда) оламдан ўтди.

В. Асоев 1957 йили 15 марта Қарноқ қишлоғидаги тадбиркор. Совет Иттифоқи даврида Кентов давлат ҳўжалигига бригада етакчиси си-

фатида самарали меҳнат қилган. Зарборд мөнхнати муносиб баҳоланиб, қатор мукофотлар билан тақдирланган. Мустақиллик йилларида "Шоҳнур" дехқон ҳўжалигини барпо этиб, тадбиркорлик билан муваффақиятли шуғулланди. Сифатли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириб, янги иш ўринларини яратган ғайратли, ишчан тадбиркор эди.

Умр йўлдоши Ферузза Зафар қизи билан Артур, Бернора, Дилдора, Муножот, Шоҳнурларни тарбиялаб, неваралар сўйган пири бадавлат

оила соҳиби эди. Фарзандлари турли соҳаларда самарали меҳнат қилишмоқда. Мазкур мусибати айрилиқ муносабати билан марҳумнинг фарзандлари, қариндош-уругларига, яқинларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қиласиз.

Қарноқ қишлоқ округи ҳокимлиги, М. Кошғарий номли мактаб жамоаси, Қишлоқ фахрийлар, оқсоқоллар кенгаси ҳамда ўзбек этномаданият бирлашмаси бошқаруви.

Саврон тумани, Янги Иқон қишлоғи ҳокимлиги, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси, М. Улуғбек номли мактаб жамоаси ушбу ўкув муассасаси директори Аблайхан Қурманбековга қайининиси

Тўретай Пазилбекули ТУРСИНБАЕВ-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиласди.

Аллоҳ марҳумни ўз раҳматига олган бўлсин!

• Депутат минбари

АҲОЛИ ТАКЛИФЛАРИ АСОСИДА

Туркистон вилоят маслаҳати депутати, Туркистон шаҳридағы озиқ-өсөт комбинати директори Насиба Отаева билан сұхбаттамиз Мустақиллик тенгдоши, давлаттамизнинг тинчлик, тотувлық, тараққиёт сиёсатини она тилимиздә тарғиб қилаётган "Жанубий Қозогистон" газетасига келаси үйлек обуна айни қызиган паллада кечди.

Nur Otan партияси тавсияси билан сайланған депутат келгуси ярим йиллікка 100 нұсха "Жанубий Қозогистон" газетасига ҳомиийлік күрсатыш ҳақида расмий шартноманы имзолади. Тәхририят ҳамда муштариілар номидан ташаккур.

Чик, Түркестон мактаблари жамоаларидан ҳам мурожааттар бор эди.

Бу йил бошланманған ёки түхтаб қолған қурилишлар юзасидан жамоалардан тақорори ёзма мурожаат келса, ишлар тезлашади. Ҳар бир мурожаат асосида ваколатли идоралардан расмий жавоб берилади. Ҳусусан, Юғнак қишлоғида Дилмира Файзиева раҳбарлық қилаётган Аҳмад Юғнакий номли мактаб ота-оналар құмитаси, қишлоқ оқсоқоллар кенгаши номидан Ф. Абдуллаев имзолаган, мактаб ёндаги гавжум йүл бўйига кузатув камерасини ўрнатиш ҳақида мурожаат асосида Саврон тумани ҳокимлигига депутатлик сўровнома



ган меҳмонлар ўз вақтида келишса, ҳамда тадбир белгиланган вақтида бошланса...

Дуо билан эл кўкарар, дейди ҳалқимиз. Шунинг учун доим қарияларимизнинг дуоларини олиб юришга ҳаракат қиласаман.

Яқинда Қозогистон Олий Кенгашига депутат бўлган қорачиқлик донгдор теримчи, Махфират Ҳаётова хонадонида бўлиб у билан сұхбатлашдим, дуоларини олдим. Келажақда янги иш-режаларимиз бор. Барчасига улгурсак, дейман. Ҳурматли газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқчи бўлганим – COVID-19 туфайли жорий этилган карантинлар туфайли жаҳонда бўлгани каби, Қозогистонда ҳам иқтисодий қийинчиликлар мавжудлиги нуқтаи назардан барча масала-муаммолар бирдан бўлмаса-да, босқичмабосқич ҳал қилинишини унутмасак.

юборилди.

– Фаолиятингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Улкан корхонани бошқариш, янги технологияларни жорий этиши ва ҳамкорлар билан иш юритиш баробарида вилоят маслаҳати депутати сифатида жуда кўп ийғилишлар, сессиялар, анжуманлар ҳамда тадбирларда иштирок этаман. Имкон қадар, барчасига улгуршишга ҳаракат қиласаман. Яқинда Қарноқ қишлоғида ўтган адаб Одил Ёқубовнинг 95 йиллигига бағишиланган тадбирда иштирок этдим. Яхши таассуротлар олдим. Фақат биргина тақлифим бор. Барча тақлиф этил-

– "Жанубий Қозогистон" вилоят газетаси саҳифаларида сизнинг фаолиятингиз жамоатчи обуначи сифатида ба-тағсил ёритилади. Муштарийлар номидан сизга масъулиятли вазифаларнан амалга оширишда омад ҳамда мустаҳкам саломатлик ҳамроҳ бўлсин.

– Раҳмат.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: вилоят маслаҳати депутати Н. Отаева; Н. Отаева собиқ депутати М. Ҳаётова хонадонида.



– Насиба Собиржон қизи, Туркестон шаҳридағы Ҳамза, Эргаш Изатуллаев ҳамда Амир Темур номли мактаблар қурилишлари юзасидан мурожаат қилмоқчиман. Жорий йили бу мактаблар қурилиши режага киритилган эди. Лекин, ҳужжатлар ваколати шаҳар ҳокимлигидан вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириши бошқармасига ўтганидан сўнг иш негадир түхтаб қолди.

Амир Темур номли мактабдан менга расмий мурожаат келгани йўқ. Башқа мактаблар бўйича иш юритилмоқда.

Саврон туманиндағы Аҳмад Юғнакий, Қора-

Директор – Бош муҳаррир – Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахслар:

Туркестон, Қентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Түлебий – Баҳорой ДўСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КўЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам – Мұхтарбар ҰСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулқишиб – Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва әълонлар – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Туркестон – туркий оламнинг маънавий пойтахти

ҚОРАЧИҚ ВА СУЗУК ОТА ТАРИХИ

Ҳазрат Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг суюкли невараси Сузук ота ҳақида

Элбошимиз, Тўнгич Президентимиз Н.Назарбаевнинг 2018 йил 19 июнданги 702-сонли тарихий Фармони асосида ташкил этилган Туркестон вилояти ҳамда унинг маркази – Туркестон шаҳри тарихида янги тараққиёт палласи бошланди. 2019 йили 19 октябрьда Қорачиқ қишлоғида тарихий тадбир – қишлоғининг 2000 йиллигига бағишиланган ҳалқаро анжуман юксак савиядага ўтди. "Жанубий Қозогистон" газетаси ушбу тадбирга ахборий қўллов кўрсатди. Туркия, ташкил этишга кўмак берган қишлоқ ҳокими Нуржан Советули ҳамда қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адҳамовларга миннатдорчилик билдирамиз. Қишлоқ фаоллари Тожиддин Каримов, Аширмат Толипов, Қодир Аҳмедов, Аҳмаджон Аҳмедов, Зоҳир Қурбонов каби зиёли инсонлар иштирок этган тадбирда Қорачиқ қишлоғи тарихига оид кўп маълумотлар баён этилди. Тожиддин Каримов хамда тадбиркор Ҳабибулла Азимовлар



Ўзбекистон, Қозогистон мамлакатлари олимлари Ҳазрат Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг суюкли невараси Сузук ота Қорачиқ қишлоғида түғилиб, Тошкент вилоятида дағн этилганлигини илмий асосда далиллаб бердилар.

Сузук ота (Мустафоқул) 1130 йили туғилиб, 1217 йили вафот этган. Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳарий Ҳуштоғ (Ҳуштарий) ва Туркестоннинг Қорачиқ қишлоғида яшаган халифаси Сулаймон Валининг ўғли Ҳожа Валининг фарзанди Аҳмад ал-Қорачиқий Шайх (Алихўжа Ҳазрат)дан уч ўғил – Ҳазрат Имод Шайх (Омади Шайх), Абдул Вали (Содон Ҳожа) ва Мустафоқул (Сузук ота) туғилган.

"Сайрам тарихи" рисоласидан қуйидаги битикларни ўқиисиз: "Бу ерда муборак Ҳазрати Шайх Мустафоқули Ҳожанинг турбатлари бор. Эшон фарзанди аржуманд Ҳазрати Алихўжа ота эрдилар, Ҳазрати Султон Ҳожа Аҳмаднинг қизларидан бўлган набирлари эрдилар. Болалик вақтида боболарининг хизматига борур эрдилар. Ногоҳ боболарининг назари мубораклари тушиб, муҳаббат билан айтдиларки: "Манинг Сузугим, хуш келдингиз! Манинг Сузугим, хуш келдингиз!"

Шунинг учун мардумлар Сузук ота дейдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг махсус Фармони билан Бухорода Баҳоуддин Нақш Бандӣ Ҳазратлари қадамжолари, Тошкентда Имом Термизий номидаги масжид ва Ҳазрат Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг суюкли невараси Сузук ота мақбарасини бунёд этиш ҳамда ободонлаштириш юзасидан залворли ишлар амалга оширилди.

Туркестондаги "Ҳазрат Султон" давлат тарихий-маданий кўрик музейи директори нинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тарих фанлари номидози Мурат Тастанбеков, ушбу музейнинг илмий тадқиқот бўлими мудири Берик Байбўлов, илмий ходим Талғат Ўразовлар билан бирга Қорачиқ қишлоғи ҳокимлигига ўтган кўхна тарихига оид йиғилишда иштирок этдик. Ушбу тадбирни

Сузук отанинг буғунги авлодлари сифатида кўп қизиқарли маълумотлар, ҳужжатлар, шажараларни тақдим этдилар. Қорачиқ қишлоқ округи ҳудудида жойлашган кўхна тарихий сағана – қабрларни давлат муҳофазаси тасарруфиға олиш, бу жараённи расмийлаштириш ҳақида тақлифлар илга-



ри сурилди. Яқин келажақда эса Қорачиқ қишлоғи Аҳмад Яссавийнинг суюкли невараси Сузук ота туғилган табаррук замин сифатида зиёратчилар, сайёхлар учун яна бир табаррук тарихий масканга айланади. Маълумки, давлаттамиз томонидан тасдиқланган режага кўра, Туркестонга ташриф буюрадиган сайёх – зиёратчилар сони бир йилда 5 миллиондан ошиши кутилмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: тадбиркор Ҳабибулла Азимов Туркестондаги "Ҳазрати Султон" музейи маймуряти ходимлари билан; Ҳ. Азимов ҳомиийлигига чоп этилган шажара китобида ўтмиш тарих ва буғунни муштариқ этувчи кўп қизиқарли маълумотлар жамланган.

Муаллиф тасвирлари.

Муассис: Туркестон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозогистон вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

- Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувилор маслудир.
- Фойдаланилмаган мақолалар ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркестон шаҳри, "Жаңа қала" кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44, +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданий тарихи 2020 йил 21 апрелдан рўйхатга олиниб, KZ34VPU0022503 тубохона берилган.

Бирорта:

2816.

Нашр кўрсаткичи – 65466
Адади – 11510

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.